

10-10-2019

Introduction to modern textbooks on history DEDACTIVE AND METHODICAL REQUIREMENTS

Азиз УлуҒбекович Ортиқов

Наманган давлат университети мустақил изланувчиси

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Ортиқов, Азиз УлуҒбекович (2019) "Introduction to modern textbooks on history DEDACTIVE AND METHODICAL REQUIREMENTS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 10 , Article 67.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss10/67>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

Introduction to modern textbooks on history DEDUCTIVE AND METHODOLOGICAL REQUIREMENTS

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ТАРИХ ФАНИ БЎЙИЧА ЗАМОНАВИЙ ДАРСЛИКЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ДИДАКТИК ВА МЕТОДИК ТАЛАБЛАР

Ортиқов Азиз Улуғбекович,

Наманган давлат университети мустақил изланувчиси

Аннотация. Мазкур мақолада тарих фани бўйича замонавий дарсликларга қўйиладиган дидактик ва методик талаблар илгор хорижий тажрибалар асосида ёритиб берилган. Муаллиф замонавий тарих дарсликларида ўқув материалларини тизимлаштиришнинг инновацион дидактик параметрларини аниқлаштирган.

Таянч сўзлар: тарих, дарслик, замонавий дарслик, ўқув қўлланма, ўқув материали, тизимлаштириш, дидактик ва методик талаб.

Аннотация. В данной статье рассматриваются дидактические и методические требования к современным учебникам по истории на основе зарубежного передового опыта. Автором определены инновационные дидактические параметры систематизации учебного материала в современных учебниках истории.

Опорные понятия: история, учебник, современный учебник, учебное пособие, учебный материал, систематизация, дидактическое и методическое требование.

Abstract. This article discusses the didactic and methodological requirements for modern history textbooks based on foreign best practices. The author defines innovative didactic parameters for the systematization of educational material in modern history textbooks.

Supporting concepts: history, textbook, modern textbook, study guide, study material, systematization, didactic and methodological requirement.

Маълумки, тарих фанининг вазифаси ўқувчиларга қуруқ рақамбозлик, солномачиликни ўргатишдан иборат эмас, аксинча унинг мазмунини ўзлаштириш орқали ўқувчиларни ижтимоий ҳодисаларни мустақил англашга, мамлакатимиз ривожининг барча соҳаларига фаол ва ижодий тарзда иштирок этишга тайёрлашдан иборат бўлиши лозим. Мазкур вазифа ўз табиатидан келиб чиқиб, фикрлашни ривожлантириш, ўқувчининг ўрганилаётган воқеа ва замонавий жамият ҳодисаларини мустақил англай олишини талаб этади. Бунингсиз уларни тўғри баҳолай олиш, ўз муносабатларини зарур ҳаракатларга йўналтириш мумкин эмас. Мана шунинг учун ўқувчиларда тарихий тафаккурни ривожлантириш тарих таълимининг бош шарти ва воситаси тавсифини ўзида ифода этади. Ўқувчиларнинг тарихий онги ва тафаккурини ривожлантиришда тарих фани бўйича яратилаётган дарсликлар асосий восита сифатида хизмат қилади.

Тарих фанидан яратилган дарсликлар, илмий жамоатчилик ва омма томонидан кўп танқидга учрайдиган ўқув адабиётларидан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бунинг ҳам объектив, ҳам субъектив сабаблари мавжуд:

1) тарих фани дарсликларида воқеликнинг баёни ва хронологияга катта эътибор қаратилиши. Аслида хронологияни билиш ўқувчи учун ҳамма вақт ҳам муҳим эмас. Чунки бирон-бир тарихий шахснинг туғилган ва вафот йили, асарнинг ёзилган йилини билан схоластик тавсифга эга холос;

- 2) тарихий далиллар ўртасида қарама-қаршиликнинг мавжудлиги. Биргина Бухоро амирлигида манғитлар сулоласи ҳукмронлигининг ўрнатилиши масаласида ягона нуқтаи назарга келинмаганлиги қўплаб эътирозларга сабаб бўлган;
- 3) Ўзбекистон ва жаҳон тарихидан ёзилаётган дарсликларда бир воқелик ёки атаманинг икки хил талқин қилиниш ҳолатининг мавжудлиги;
- 4) тарих фани бўйича замонавий дарслик яратишнинг дидактик ва методик талабларининг ишлаб чиқилмаганлиги;
- 5) тарих фани бўйича дарсликлар яратишда олимлар, методистлар ва амалиётчи ўқитувчилар ҳамкорлигининг йўлга қўйилмаганлиги. Сўнгги йилларда фақат жаҳон тарихидан 10-11 синфлар учун дарслик яратишда тарихчи олим, тарих таълими билан шуғулланган педагог олим ва амалиётчи ўқитувчининг ҳамкорлигига таянилди. Бу маълум даражада ўз самарасини берди. Умумтаълим мактабларининг 10 синфи учун яратилган жаҳон тарихи дарслиги мисолида буни яққол кўриш мумкин.

Мустақиллик йилларигача бўлган даврда республикамизда тарих ўқитиш методикаси, тарих дарслигини яратишга қўйиладиган дидактик ва методик талаблар масалаларига доир Н.М.Ремеев, А.С.Саъдиев, Э.Сафаева, лар томонидан илмий изланишлар олиб борилган, дарслик ва қўлланмалар яратилган[1; 2; 3]. А.Саъдиевнинг “Мактабда тарих ўқитиш методикаси” номли ўқув қўлланмасида тарих ўқитиш методикасининг фан сифатида шаклланиши ва асосий давлари, мактабда тарих ўқитиш методлари ва услублари масалаларига жиддий эътибор берилиб, бу муаммонинг тўғри ҳал этилиши – пухта ва тизимлаштирилган билим асосларини шакллантириш омили эканлиги ёритиб берилган[2]. Н.Ремеевнинг илмий-методик ишларида тарих дарсларида ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва ўтказиш[1], Э.Сафаеванинг тадқиқотларида Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитишда ўлкашунослик материалларидан фойдаланишнинг шакл ва методлари, ўлкашунослик манбалари ва уларнинг ўлка тарихини ўрганишдаги роли ёритиб берилган[3].

А.Саъдиев ўзининг тарих ўқитиш методикасига бағишланган фундаментал тадқиқотида Р.Ю.Виппернинг тарихни ўқитишда “умуман инсониятнинг ҳаракати” эмас, балки “жамиятнинг ҳаракати”, яъни ижтимоий муносабатлар тарихи ўрганилиши кераклиги ҳақидаги фикрларини инкор этган[2]. Маълумки, Р.Ю.Виппер ўзининг дарсликларида материал танлаш, уларни гуруҳларга ажратиш, баён этиш ҳамда методик жиҳатдан тузилишини ўқувчиларни ижтимоий муносабатлар ривожланиши билан таништиришга, уларга жамиятнинг тараққиёт даражасини кўрсатиб беришга қаратган эди. А.Саъдиев эса тарих таълимига ўқувчиларнинг тарихий ҳужжатлар устида олиб борадиган ишларини асос қилиб олишни таклиф этади.

Мустақиллик йилларида республикамизда тарих ўқитиш методикаси билан боғлиқ қатор тадқиқотлар амалга оширилиб, уларнинг айримларида тарих дарсликларини яратишга қўйиладиган дидактик ва методик талаблар масаласига ҳам эътибор қаратилган. Жумладан, Я.Гаффаров ва Т.Тошпўлатовларнинг методик қўлланмаларида Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитиш билан боғлиқ масалаларни

таҳлил этиш жараёнида дарсликдаги ўқув материалларини тизимлаштиришга ҳам эътибор қаратилган[4].

С.Маҳкамовнинг тадқиқотларида дарс самарадорлигини ошириш, тарихни ўқитишда узвийликни таъминлаш муаммолари, тарих таълимида курслараро узвийликни амалга оширишда замонавий педагогик технологиялардан, қўшимча манбалардан фойдаланиш усуллари, тарихдан янгиланган таълим мазмунини методик мажмуалар билан таъминлаш асосида дарс самарадорлигини оширишга эътибор қаратилган[5].

Методист олима Р.Муллажонова “Туркистонда миллий озодлик ҳаракатлари тарихини ўқитишнинг методик асослари (XIX аснинг II ярми XX аср бошлари)” мавзусидаги номзодлик диссертациясида тарих фанини ўқитишда дарсликнинг ўрни, дарсликда ўқув материалларининг структуралаштирилиши, ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий фаолиятини ташкил этишга доир ўқув топшириқларини лойиҳалашга доир мавжуд ёндашувларга ўз муносабатини билдириб ўтган[6].

Сўнгги йилларда умумий ўрта таълимда тарих фанини ўқитишга доир янги методик ёндашувлар Б.Ходжаевнинг “Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида тарихий тафаккурни модернизациялашган дидактик таъминот воситасида ривожлантириш” мавзусидаги фан доктори илмий дарадажасини олиш учун ёзилган диссертациясида ўз ифодасини топган[7]. Олим замонавий шароитда тарих фанидан дарсликлар яратишда компетенциявий ёндашувга асосланиш лозимлигини, компетенциявий ва фалсафий-антропологик ёндашувларга асосланган ўқув материалларини лойиҳалаш технологиясини мисоллар асосида кўрсатиб берган. Шунингдек, мазкур фундаментал тадқиқотда тарих фани бўйича дарсликларни яратишда ахборот истеъмоли маданияти, нейропедагогика, музей педагогикаси ва педагогик фасилитациянинг имкониятларини ҳисобга олиш лозимлиги очиб берилган.

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган О.Давлатов ва А.Исмоиловларнинг тадқиқотларида ҳам тарих фанидан дарсликлар яратишда муаллифлар ҳисобга олиши лозим бўлган айрим методик талаблар ёритиб берилган. Жумладан, О.Давлатов тарих фанидан яратилган дарсликларда ўқув материаллари ҳажмини белгилашда саҳифалар сонига эътибор қаратиб қолиниши, таълим мазмунини ёритиб беришда узвийлик ва узлуксизликка риоя қилинмаслигини ҳақли равишда қайд этиб ўтган[8]. А.Исмоилов эса, академик лицейлар учун тарих фанидан яратилган ўқув қўлланмалар “академик” кўринишга эга эканлиги, ўқувчиларнинг билишга қизиқиши ва ижодий фаолигини оширадиган инновацион технологиялардан самарали фойдаланилмаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтган[9].

Юқоридаги таҳлиллардан маълум бўладики, замонавий тарих дарсликларига қўйиладиган дидактик ва методик талаблар алоҳида тадқиқ этилмаган. Биз мазкур мақолада илғор хорижий тажриба асосида тарих фанидан дарсликлар яратишга қўйиладиган талабларни баён этамиз.

Машҳур инглиз тарихчи-методологи А.Марвикнинг фикрича, дарслик ҳамма вақт “маълум бир тарихий давр ёки мавзуларнинг асосий элементларини аниқ ва

содда экспозицияси” деб тушунилади[10]. У бевосита таълим тизимида фойдаланишга мўлжалланган бўлиб, монография ёки тарихий “таҳлилий синтез”нинг бошқа шаклларида ўзининг аниқ ва ёрқинлиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга, оммабоп тарихий асарлардан фарқли равишда дарсликдаги ўқув материалларини тизимлаштиришда етарлича тарихий билимларга ва қизиқишга эга бўлмаган аудитория томонидан томонидан идрок қилинишининг ҳисобга олиниши, тарихни ўрганаётган ўқувчилар шу жиҳатдан чуқур ва доноларча фикр юритмаса ҳам тарих билан диалогга киришиш имконига эга бўлиши лозим. Мазкур ҳолатда дарслик касбий коммуникация талабларига жавоб бериши керак[10. P.161].

Дарсликлар кўпинча, етук тарихчилар–ўз ишининг мутахассислари томонидан ёзилиши лозим. Бирламчи тарихий материаллар билан тўқнаш келмаган муаллифларнинг яхши дарслик ёзиши камдан-кам учрайдиган ҳолат. Дарслик муаллифининг обрўси–шубҳасиз, зарурий талаб. Чунки муаллиф буюк кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятини таҳлил қилганида унинг воқеликка муносабати ва нуқтаи назари, унинг изоҳловчи фикрлари аудитория учун етарлича ҳурматга эга бўлиши лозим. Дарсликда муаллиф ва ўқувчи ўртасида коммуникациянинг диалогик шаклларида лойиҳаланиши принципиал жиҳатдан мумкин бўлган ҳолат. Лекин у белгиланган талабдан ортиб кетмаслиги керак. Чунки ўқувчилар энг аввало, аниқ ва ёрқин етакчи ғояларга эҳтиёж сезишади.

Кўпинча муаллифларни ўқув материалга ижодий ёндашмаганлиги, тасаввурни ривожлантиришга етарлича эътибор бермаганлиги учун адолатсиз айблашади. Муаллифнинг асосий вазифаси маълум бир нуқтаи назар ёки концепцияга тўғридан-тўғри таяниб қолмасдан, барча фикрлар ва далилларни умумлаштирган ҳолда аниқ хулосани баён этиш ҳисобланади.

Муаллифлик нуқтаи назарининг мувозанатда бўлиши қийинчилик билан эришиладиган талаб бўлиб, кўпинча етарлича тажрибага эга бўлмаган муаллифлар томонидан тарихий воқеликнинг моҳияти ва аҳамиятини очиқ беришда бетарафлик ёки инкор қилиш ҳолати кузатилади. Нуқтаи назарни мувозанатда бўлишининг сақлаб туришнинг мураккаблиги шундаки, бир томондан муаллиф илм соҳасида катта обрўга бўлган олимларнинг нуқтаи назарларини ҳурмат қилиши ва тушуниши билан, иккинчи томондан дарсликда тарих соҳасида эришилган янги ютуқларни тўғри акс эттириш билан боғлиқ. Исталган ҳолатда ҳам дарсликда мавҳум, мунозарали тавсифдаги далиллар берилмаслиги керак. Агар қайсидир даврлар, шахслар ва воқеликлар бўйича илмий соҳада қарама-қарши фикрлар баён этилган бўлса, дарслик муаллифи бирламчи манбаларнинг бир нечасида акс эттирилган вариантни ифода этиши лозим. Шунинг учун дарсликларда билиш жараёнини рағбатлаш учун тарихий материаллар мавжуд ёндашув ва концепцияларни чуқур таҳлил этилиши натижасида юзага келадиган “таҳлил синтези”га асосланиб баён этилиши лозим. Айрим муаллифлар белгиланган аниқ талабларга қарамай, ўзининг шахсий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда материални баён этишга ижодий ёндашади. Шунинг учун юқори

салоҳият билан ёзилган дарсликлар “креатив синтез” маҳсулига айланади ва буни тарихий воқеликка янгича ёндашув билан тенглаштириш мумкин.

Тарих дарслиги ўзида формал, техник аҳамиятга эга ёки умуман аҳамиятга эга юлмаган кўплаб масалаларни акс эттиради. Бу эса ўқув материалларини аниқ тизимлаштириш қоидаларига риоя қилишни талаб этади. Шу билан бирга дарслик кетма-кетликда берилган хронология, подшоҳ ва раҳбарларнинг номлари, пунчаки композицион қурилма (бўлим ва параграфларга тенг саҳифалар ажратиш, “доирага олинган” сарлавҳалар)дан иборат конспектга айланиб қолмаслиги керак. Қуруқ конспектга ўхшаб қолган дарслик фақатгина ўқувчиларнинг ўрганилаётган фандан ҳафсаласи пир бўлишига олиб келади. Англиялик тележурналист ва тарих тарғиботчиси Б.Гаскуан ўтган асрнинг ўрталарида ўзи ўқиган тарих дарсликларига қуйидагича баҳо берган: “Мактабда тарих фанини ёмон кўрар эдим. Бизга пластмассага ўхшаган, мустаҳкам жипслаштирилган ахборотларни тақдим этишар эди. Тарих дарслигининг уч саҳифаси ҳар бир дарсда стандарт ўзлаштирилиши керак эди. Бундан ортиғини ўрганиб ҳам бўлмас эди, чунки ўқув материалларидаги сўзларнинг ярмидаги кўпи бош ҳарфлар билан ёзилган эди, қолганларини саналар ташкил этар эди” [11, р.62].

Дарслик ўтмиш ҳақида ҳар томонлама, тўлиқ, эмоционал бой тасаввурларни ҳосил қилиши, ўқувчида тарихий воқеликка ҳақиқий қизиқишни, тарихий даврда “яшаш” имконини тақдим этиши лозим. Холислик ва бетарафлик тарих дарсликларига қўйиладиган талаб сифатида унинг концептуал жиҳатига таллуқли, бироқ воқеалар баёнида ўқувчиларнинг тарихни идрок этиши, уларда тарихий воқеликдан ҳайратланиш, ўтмишга жонли қизиқиш каби эмоционал жиҳатларни ҳам ҳисобга олиш керак. Дарсликда баён этилган воқеалар ўқувчиларнинг бутун фикри ва ҳис-туйғуларини қамраб олиши керак. Айнан тарих фанини ўқитишда юқори эмоционаллик фаннинг ўзига хос хусусияти ва тарихий билиш жараёнининг ажралмас қисми сифатида қаралиши лозим. Кўпгина хорижий давлатлар, масалан Англияда тарих курсини ўзлаштириш “тарихий туйғуни” тарбиялашдан бошланади. Республикамизда бу “Тарбия” фанининг вазибаларидан бири сифатида белгиланган. Шу билан бирга, илк бор умумий ўрта таълим мактаблари учун дарсдан ташқари махсус курс сифатида “Тарих сабоқлари (тарихий пропедивтика)” Б.Ходжаев томонидан ишлаб чиқилган ва амалиётда синовдан ўтказилган[7].

Олим томонидан ишлаб чиқилган “Тарих алифбоси” ва “Тарих оламига саёҳат” қўшимча курслари умумий ўрта таълим муассасасининг шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда, муаллифлик дастури асосида ташкил этилган. “Тарих алифбоси” бўйича машғулотлар бошланғич таълимнинг 1-синфи, “Тарих оламига саёҳат” қўшимча курси бўйича машғулотлар эса, 2-3-4 синф ўқувчилари билан ўтказилган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

“Тарих оламига саёҳат” қўшимча курси тақвим-режаси (Б.Ходжаевнинг муаллифлик дастури бўйича)

2-синф	3-синф	4-синф
--------	--------	--------

<ol style="list-style-type: none"> 1. Тарих – миллат кўзгуси. 2. Археологик топила-малар. 3. Форлардаги ҳаёт. 4. Афсоналар. 5. Тарихий суратлар. 6. Энг қадимги шаҳарлар. 7. Дастлабки мактаблар. 8. Хариталар. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Қадимги халқ байрамлари ва ўйинлари. 2. Энг қадимги муסיқа асбоблари. 3. Қадимги уй-рўзғор буюмлари. 4. Қадимги овчилик. 5. Қадимги чорвачилик ва деҳқончилик. 6. Қадимги жангчилар. 7. Олимпиа ўйинлари. 8. Тошкент – нон шаҳри. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Халқ қаҳрамонлари. 2. Буюк табиб. 3. Жалолиддин Манғуберди. 4. Амир Темур сабоқлари. 5. Улуғбек кутубхонаси. 6. Алишер Навоий. 7. Тожмаҳал. 8. Амударё хазинаси. 9. Боболаримиз жасора-ти
---	---	--

Шунингдек, олим томонидан ишлаб чиқилган бошланғич синф ўқувчиларида тарихий тасаввур ва онгни таркиб топтиришнинг педагогик тизимига асосланган ҳолда вақт ва макон уйғунлигида тарихий воқеаларни баён этиш ва ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишининг қуйидаги алгоритмик кетма-кетлиги таклиф этилган[7] (2-жадвалга қаранг). Бошланғич синфларда тарихий воқелик билан боғлиқ ўқув материалларини тизимлаштиришда мазкур алгоритмга асосланиш яхши самара беради.

2-жадвал

Вақт ва макон уйғунлигида ўқитувчи томонидан тарихий воқеаларни баён этиш ва ўқувчилар томонидан ўзлаштириш алгоритми

Тарихий воқеаларни баён этиш алгоритми	Тарихий воқеаларни ўзлаштиришга доир ўқувчилар учун эслатмалар
Тарихий воқеани тўғри ва тўлиқ номлаш	Ҳикояда фикр юритилган тарихий воқеани изоҳланг
Воқеа содир бўлган даврни кўрсатиш.	Воқеа қачон (аср, йил, юз йиллик, юз йилликнинг ярми) содир бўлганлигини айтинг
Воқеа содир бўлган вақтни кўрсатиш	Мазкур воқеа нима учун содир бўлганлигини тушунтиринг
Мазкур воқеа қаерда содир бўлганлигини айтиш ва тарихий картадан ўша жойни кўрсатиш	Тарихий воқеа содир бўлган жойни картадан кўрсатинг
Тарихий объектнинг картада жойлашувига қисқа изоҳ бериш, воқеа нима учун содир бўлганлигини тушунтириш ва воқеанинг ёйилишини баён этиш	Мазкур воқеа қандай содир бўлганлигини эсга олинг ва айтинг

Воқеада кимлар иштирок этганлигини кўрсатиш	Мазкур воқеада кимлар иштирок этганлигини айтиш
Воқеанинг тарихий аҳамияти ҳақида хулоса қилиш	Воқеа нима билан тутаганлигини изоҳланг.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, дарсликларда тарихий воқеалар билан боғлиқ ўқув материалларини тизимлаштиришда муаллифларнинг болалар психологиясини чуқур билиши ва дарсликни ёзишда унга қатъий амал қилиши талаб этилади. Афсуски, тарих дарсликларининг муаллифи ҳисобланган тарихчиларнинг кўпчилиги болалар ва ўсмирлар психологиясини яхши билмайди. Шунинг учун бошланғич ва ўрта синфлар учун ўқув материаллари ҳақиқий маънода ўқувчиларга тарихий даврда “яшаш” имконини бермайди. Дарсликнинг алоҳида бўлимларида ўқувчиларнинг қизиқишни рағбатлаш учун драма, афсона, эртақ, эпик адабиётлар элементларининг қўлланилиши мақсадга мувофиқ. 5-синфлар учун яратилган “Тарихдан ҳикоялар” дарслигида берилган ҳикояларда баёнчиликка устуворлик берилиши кўзга ташланади. Бунинг учун муаллифлар хориж тажрибани ўрганиши ва ўқув материалларини структуралаш тажрибасини ўзлаштириши керак. Масалан, Англияда бошланғич синфлар учун нашр этирилган тарих дарсликларининг бирида “Олов дарахти” деб номланган матнни ўқиш ва кейин уни роллар орқали ижро этиш топшириғи берилган. Ўқувчиларнинг роллар асосида халқ анъанасини ижро этиши учун қисқача сценарий берилган. Ўқувчилар уни ижро этиш орқали ўша даврга саёҳат қилишади[12, с.225]. Мазкур методик усул ҳамма мутахассислар томонидан ҳам бирдек қўллаб-қувватланмаслиги мумкин. Бироқ бошланғич ва ўрта синфларда тарихий воқеаларни “жонли” ўрганиш ўқувчининг билишга қизиқишини оширади.

Республикамизда тарих фанидан ўқувчилар учун махсус ўқув қўлланмалар (“activity books”) яратиш амалиёти мавжуд эмас. Бироқ хорижда кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун худди шундай махсус ўқув қўлланмалар мавжуд. Бундай ўқув қўлланмаларнинг энг яхши томони ўқув экскурсияси кўринишида ўқув материали доирасида тарихий воқеликлар, шахслар ҳаёти ва фаолияти билан яқиндан танишиб боришади. Худди шундай ўқув қўлланмалар яратиш Англияда кенг оммалашган. Масалан, “Тауэр тарихидан” деб номланган рангли ва ёрқин ўқув қўлланмаси ўқувчиларга Лондондаги машхур қирол қасрига экскурсия уюштириш имконини беради[13]. Қўлланма жиддий ва муҳим ахборотларни ёрқин иллюстрациялар, содда чизмалар, турли ҳазил-мутойибага асосланган изоҳлар асосида тақдим этади. Китобнинг алоҳида хусусияти унда берилган материаллар интерфаол тавсифга эга. Тауэр бўйлаб “саёҳат қилиш”нинг ҳар бир қисмида қуйидаги муаммоли саволларни бериш орқали ўқувчилар ўзларини ўтмишдаги кишиларнинг ўрнига қўйиб кўришади: “Тауэрга ҳужум уюштиришни қандай режалаштирган бўлар эдингиз?” ёки “Тауэр ҳудудидаги қайси жойни душманлардан ҳимояланиш учун хавфсиз деб ҳисоблайси?”.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9 ва 10-11 синфлари учун хориж тажрибасига асосланган ҳолда ўқув дастуридаги модулларга (Study Unit) мувофиқ, ҳажман катта бўлмаган ва муаллифлик ўқув-методик ишланмаларга эга дарсликлар яратиш мақсадга мувофиқ. Бу бир синфда 5-6 хил дарсликдан фойдаланиш имконини беради. Сўнги вақтларда бунга уриниш мавжуд. Яъни ўқув дастурига мувофиқ келадиган муқобил дарсликларни яратиш ғояси илгари сурилмоқда. Шунингдек, тарих фани бўйича ягона дастур бўйича ҳар бир мактаб ўзининг ишчи ўқув дастурини (curriculum) ишлаб чиқиши ва дастурини ўзлаштириш бўйича муқобил дарсликлар тақдиф этилиши мақсадга мувофиқ. Хорижда мазкур амалиёт яхши йўлга қўйилган. Масалан, Англиянинг Tavistock College (Девоншир графлиги) ўрта мактабининг 7-синфида “Ўрта аср қироллиги: Британия (1066–1500)” мавзусини ўрганиш учун учта дарслик тавсия этилади: Найджела Эрли. “Ўрта аср қироллиги”, Роя Баррел “Ўрта аср”, Жеймс Мэйсон. “Ўрта аср қироллиги”. 8-синф дастурида асосий ўрин эгаллайдиган “Бирлашган Қиролликнинг ташкил этилиши, 1485–1750 йй.” ва “Қўшиб олиш, савдо ва саноат, 1750–1800 йй” мавзуларини ўзлаштириш учун тўртта асосий дарслик тақдиф этилади: Жон Чайл. “Тарихни тушуниш–2”. Жо Скотт. “Бирлашган Қиролликнинг ташкил этилиши”. Жон Никол. “Ривожланган Британия”. Жеймс Мэйсон. “Ижтимоий муаммолар” [14].

Замонавий тарих дарсликларини яратишда мавзулар бўйича қуйидаги компонентларнинг мавжуд бўлиши ҳисобга олиниши лозим:

(а) оддий ва аниқ саволларни бериш орқали ўрганилаётган мавзунинг ўрганишнинг мақсадини аниқлаштириш. Масалан, “1918–1939 йилда халқаро муносабатлар” мавзусини ўрганиш учун қуйидаги саволлар берилади: 1. Нима учун давлатлар ўртасида урушлар содир бўлган? 2. Урушда ғолиб ва мағлуб бўладими? 3. “Фашизм” ҳақида нималар биласиз? 4. “Лига” тушунчасини эшитганмисиз?;

(б) асосий тарихий номлар, атамалар ва саналар асосида тарихий воқеликни қисқа баён этиш;

(в) кенгайтирилган шарҳлар, ахборотлар ҳажмини камайтириш учун ҳар бир ўқув саволидан кейин 5-6 тагача нарратологик ва тавсирий манбалардан фойдаланиш;

(г) мамлакат тарихида катта ўзгариш содир бўлган воқеларни батафсил кўриб чиқиш учун хронологик жадваллар(timelines) тақдим этиш;

(д) мавзуга алоқадор асосий атамларнинг қисқа изоҳли луғати;

(е) ўқувчиларнинг эътиборини қизиқарли ва баъзан бир-бирига зид далилларга жалб этиш учун “Бу қизиқ...” сарлавҳаси остида материаллар тақдим этиш;

(ж) ўрганилаётган мавзунини мустақамлаш мақсадида ўқувчилар учун тақдим этиладиган саволлар ва ижодий топшириқлар.

Параграфлар тузилишининг ушбу тамойилига асосан улардан ҳар бири ўқитиш жараёнида турли дидактик вазифаларни ҳал этадиган учта катта йўналишга ажратилади. Яъни, ўрганилаётган воқеликни панорама кўринишида баён этиш (The Big Picture – “катта тасвир”); ушбу воқеларнинг муаммоли-аналитик қисмини ўрганиш (“Thinking It Through” ёки “Бу ҳақида ўйланг”), изланишга доир топшириқ (“Investigation” ёки “Тадқиқ этиш”).

Тарих дарсликларини яратишда “кундалик турмуш тарихи” билан боғлиқ масалаларни алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. Чунки тарихни ўрганиш орқали ўқувчилар кундалик турмуш тарзига таъсир кўрсатувчи омилларни ҳам таҳлил этиш малакасига эга бўлиши лозим. Бундай ёндашув орқали тарих таълимининг асосий дидактик параметри-ўқувчиларнинг кишиларнинг кундалик ҳаёти билан боғлиқ нарса-ҳодисалар, анъана ва ахлоқ меъёрларидаги ўзгаришларни “ўтмиш ва бугун” контекстида фарқлаш имконияти юзага келади. Шубҳасиз, турмуш тарзи билан боғлиқ материалларнинг ўрганишга кенг эътибор қаратиш тарихий жараёни чуқур “англаш, ҳис қилиш” имконини беради, эмпатик қобилиятини ривожлантиради, тарихни чуқур тушуниш ва таҳлил этиш қобилиятини шакллантириш учун рағбат ҳосил қилади.

Тарих дарсликларидаги ўқув материалларини тизимлаштиришда ривожлантирувчи таълим методларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Дарсликларда ўқувчилар олдига “Қандай?” ва “Нима учун?” саволларини қўйиш орқали “Ким?” ва “Нима?” каби репродуктивликдан креативликка йўналтириб борилади.

Албатта, тарих дарсликларида манбалар, бадиий-тарихий асарлардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айнан манбалар билан ишлаш тарих таълимида тадқиқотчилик-изланишли методикасини самарали қўллаш имконини юзага келтиради. Шунингдек, ўқувчиларни бирламчи (primary, first-hand) ва иккиламчи (secondary, second-hand) манбалар билан ишлашга ҳам ўргатиб бориш лозим. Тарих дарсликларини яратишда айниқса, тарихий-бадиий асарлардан фойдаланиш масаласига етарли эътибор қаратилмайди. А.Иброҳимов таъкидлаб ўтганидек, “Тўғри, тарих фани манбаларга таянган ҳолда аниқ далиллар билан ўтмиш воқелигини баён қилади. Бироқ гап инсон дунёқарашини шакллантириш ҳақида кетар экан, бунга эришиш илмий адабиётлардан кўра, ёзувчи О.Балзак асарларида аниқроқ тасвирлангани эътирофли бўлганини мисол қилиб келтириш мумкин” [15, 8-б.]. Ана шу сабабли тарих дарсликларини яратишда бадиий адабиётларга ҳам эътиборсизлик билан қараб бўлмайди. Чинакам маънодаги тарихий-бадиий асарлар аниқ тарихий воқеликларни чуқур мулоҳаза қилган ҳолда ёзилади. Фақат бадиий асарга қўйиладиган талаблардан келиб чиққан ҳолда, тўқима образлар киритилиши мумкин. Ўқувчиларнинг нафақат ўзбек, балки чет эл ёзувчиларининг миллий тарихимизга доир асарларини ўқиб-ўрганишлари уларда маълум бир тарихий жараёнга маълумотларни қиёсий ўрганиш, таҳлил этиш асосида танқидий тафаккур юритиш малакасини ривожлантиради. Масалан, Соҳибқирон Амир Темурга бағишланган янги-озарбайжон ёзувчиси Юнус Ўғуз қаламига мансуб “Амир Темур” [16]. романини ўқиш орқали ўқувчи бошқа асарларда учрамайдиган фикрлар, тарихий далиллар билан танишиш имкониятига эга бўлади.

Замонавий тарих дарсликларини яратишда интерфаол дастурий воситалардан фойдаланиш, электрон харита ва виртуал музейларга ҳаволалар бериш ўқувчиларда ахборот билан ишлаш компетенциясини шакллантиришга хизмат қилади. Виртуал музейларни дарсликларга илова қилиш орқали

ўқувчиларни исталган ҳудудда туриб, республикамиз ва жаҳон музейларига саёҳат қилиши учун зарур методик шарт-шароит яратилади.

References:

1. Remeev N.M. O'zbekiston SSR tarixidan mustaqil ishlar daftari.–T.:O'qituvchi, 1982.–103 b.
2. Sa'diev A.S. Maktabda tarix o'qitish metodikasi.–T.:O'qituvchi, 1988.–224 b.
3. Safaeva E. O'lka materiallarini to'plash va ulardan foydalanish tajribasidan // Tarix va jamiyatshunoslik o'qitish samaradorligini oshirishning aktual masalalari: Ilmiy to'plam.–T.:TDPI.1977.–T.178.–B. 119 –131.
4. Gaffarov YA., Toshpo'latov T. Tarix o'qitish metodikasi (bakalavriat yo'nalishi talabalari uchun o'quv–metodik qo'llanma).–T.: Universitet, 2002.–192 b.
5. Mahkamov S.T. Tarix ta'limida kurslararo uzviylikni ta'minlashning didaktik asoslari (7-sinf tarix kurslari misolida): Ped. fan.nom....dis.–Toshkent: TDPU, 2005.–180 b.
6. Mulladjanova R.A. Turkistonda milliy ozodlik harakatlari tarixini o'qitishning metodik asoslari (XIX asrning II yarmi–XX asrning boshlari): Pedagogika fanlari nomzodi ...dis.–T., 2008.–137 b.
7. Xodjaev B.X. Umumta'lim maktablari o'quvchilarida tarixiy tafakkurni modernizatsiyalashgan didaktik ta'minot vositasida rivojlantirish: pedagogika fanlari doktori....diss.–T.,2016.–314 b.
8. Davlatov O.G'. Talabalarda axborot xavfsizligini ta'minlash kompetentligini tarixiy-madaniy meros vositasida rivojlantirish: pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)...diss.–T., 2018.–177 b.
9. Ismoilov A.F. Akademik litseylarda tarix fanini o'qitishning innovatsion texnologiyalarini takomillashtirish: pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)...diss.–T., 2018.–210 b.
10. Marwick, A. The Nature of History.–L.: Macmillan, 1970.–272 pp.
11. Gascoigne, Bamber. History Challenge // History Today. 2001, July. Vol. 51, Issue 7. P. 62–63.
12. Vim-Bad B.M. Metodicheskiy apparat shkolnykh uchebnikov // Problemy shkolnogo uchebnika: sb. st. Вып. 19. / Red. kol.: D.I. Traytak; sost. V.R. Rokityanskiy. M.: Prosvetshenie, 1990.
13. Tales from the Tower: An activity book for children visiting the Tower of London.–L: The Tower of London, 1996. – 29 pp.
14. History Curriculum, 2000–2001. URL: <http://www.tavistockcollege.devon.sch.uk>. [Accessed 20.07.2001].
15. Ibrohimov A. Bizkim, o'zbeklar...Milliy davlatchiligimiz asoslari haqida mulohazalar.–Toshkent: SHarq, 1999. – 80 b.
16. YUnus O'g'uz. Amir Temur.–Toshkent: YAngi asr avlodi, 2013.–588 b.